

Ёзувчи Чон Мёнг Кван корейс насрининг кенжа авлод намоёндаларидан бири хисобланади. У 1964 йили Кореяниг Кёнгида вилояти Ёнг-ин шахрида тугилган. У дастлаб киносценарийчи сифатида фаолият юритган бўлса, 2003 йили “Френк” номли хикояси билан адабиётга кириб келди. Шу йили Кореядаги нуфузли “Мунхак донгне” нашриётининг “Энг яхши насрый дебют” йўналиши сохиби бўлди. 2004 йили эса ушбу мукофотнинг “Адабиёт юзи” йўналишида голиб бўлди. 2004 йили корейс китобхонларининг севимли романига айланган “Денгиз кити” асари нашр килинган бўлса, 2010 йили Чон Мёнг Кван стсенарийси асосида “Кўшни уйдаги эркак” фильм экранга чиқди. 2010 йили хам Чон Мёнг Кван ижодида баракали бўлди: унинг “Кариган оила” киссаси хам кўлма-кўл бўлди. 2012 йил март ойида эса унинг “Менинг тогам – Брюс Ли” номли киссаси нашрдан чиқди. Куйида эътиборингизга Чон Мёнг Кван каламига мансуб, унинг адабиётдаги дебют хикоясини хавола этамиз.

1

Гапнинг пўскалласини айтганда: мен Френк билан умуман учрашмаганман. Хатто асл корейсча исмини хам билмайман. Тасаввурим эримнинг у хакида айтиб берган гаплари доирасидагина эди. Улар болалик чоғларида ёнма-ён уйда яшашган, карате тўгарагига бирга катнашган ва ёшлари улгайгач хам елкама-елка бўлишган. Френк бундан йигирма йил аввал Канадага кўчиб кетди ва кичикроқ автомобил эҳтиёт кисмлари магазинини бошкармокда. У кайнотамнинг опасининг ўғли бўлиб, Канадага кўчиб кетгач исмини Френк деб ўзгартириб олган эди. Бу менинг Френк хакида бор билганларим. Улар икковлашиб елкаларига гитарани илиб, паркка тез-тез бориб туришар, ўзларига шўхлик килаётган кизларга эътибор беришмасди. Паркда кўшик куйлашиб, барзангি йигитлар билан кураш тушишарди. Нишонга ўқ отишда ва курашда Френк доимо ютганлигини эрим оғзидан бол томиб хикоя килиб берарди: “Шундай ошнам бор менинг...” Кўпинча эрим хотирлайдиган ёшлик чоғлари хакидаги хикояларни тинглаб, Френкни бўйдокларнинг энг барноси ёки чиройли айтганда “йигитнинг гули”, деб хаёл килардим. Френк жуда бакувват бўлиб, айтишларича, курашда хеч качон енгилмаган экан. Эрим Френк билан бирга тушган суратини менга кўп кўрсатган. Френк харбий хизматни ўташ учун дengiz кучлари флотига кетишидан аввал олинган рангсизгина суратда эрим ва Френк боксчиларга ўхшаб майкачанг бўлиб, муштларини бир-бирига бирлаштирганча кулиб турибди. Эримнинг бўйи сал баландрок бўлиб, корачадан келган, кандайдир ўзига тортиб турган йигитча Френк эди. Кўринишидан эндиғина йигитликка кадам кўйган пайтлари бўлса керакки, мўйловлари сабза ура бошлаган.

Баъзан шу суратни кўрсатиб:

-Сиз хам шунака озгин бўлганмисиз?-деб эрим билан хазиллашиб кўяман.

-Кўриб туриб сўрашингни кара-ю,-дейди у.- Ёшлигимда жанговор киноларга хавас килиб, деворга икки оёгимни тираб чикишни ўргангандим.

У ўша суратга тушганидан то мени учраттунига кадар нак йигирма килограммга семирган

бўлса, тўйимиздан то хозирга кадар яна йигирма килограммга “тош босадиган” бўлди деб хисоблаш мумкин. Бир юз саксон сантиметрлик бўйига 100 килограммдан ортик вазни бироз кўркинчли туюлиши мумкин, лекин менинг назаримда у даражада тўнка эмас. У меҳрибон ва анчагина хиссиётли хам. Телевизорда сериал кўриб, баъзида таъсирланиб кўзёш хам тўкиб турари ва хатто актёрларга таклид килиб хурсанд килиб турари.

Ўшанда иктисадий кийинчилик аталмиш рассом одамлар такдирига йўқчилик ва етишмовчилик деган расмларни чизаётган дамлар эди. Эрим ишсиз бўлиб колди. Унинг олтида техник сертификати борлиги туфайли аввалига бундан унчалик хавотир олмадим. Чунки иш жойи албатта топилишига ишонардим. Лекин вакт ўтар, хадеганда иш топилмасди. Бир канча жойларга хужжат топшириб кўрди, таниш-билишларидан суриштириди. Барча жойдан деярли бир хил жавоб келарди: “Хозир ахволимиз яхшимас. Бўш жой йўк!“.

Эрим саноат коллежини тамомлагач, шу соҳа бўйича институтни хам битирган. Соч куриладиган мослама ишлаб чикарадиган корхонада ишлаб юрган чогларида мени учратганди. Мен ўшанда спорт буюмлари савдоси билан шугулланадиган супермаркетда ишлардим. Бир куни у дўконимизга кийим олгани кирганди. Лекин унга тўгри келадиган кийим топилмади. “Кейинги сафар келсангиз топиб кўяман”, деб кузатдим. Бошка сафар келганида у мени учрашувга таклиф килди. Ўшанда унга бирорта кийим хам мос келмаганилиги бутун супермаркетда шов-шув бўлганди. Унинг соддадил ва камтарлиги семизлигини бекитиб кетганди. Тўйимиздан кейин у икки марта иш жойини ўзгартириди. Аввалига сокол кирадиган асбоб чикарадиган корхонада ишлади, сўнгра гуруч кайнатадиган электрон козон корхонасида ишлади. У ишсиз бўлиб колган вактда ўглимиз бошлангич мактабда ўкирди. Аксига олиб, муаммоларимиз калашиб кетди: ўглимизнинг ўкишига тўланадиган шартнома пулидан тортиб хар ойда тўлаб бориладиган квартира карзларигача

кундан кунга ўсиб борарди. Буёқда мен хам уйда ишсиз ўтирибман. Ухлаб ётганимда худди бошимни ичидан бир маҳлук кемириб келаётгандек чўчиб уйгонаман.

Бир канча жойларга бош сукиб кўргач савдо марказига ишга жойлашдим. Турмуш куришимдан аввал супермаркетда ишлаганилигим кўл келди, чамамда. Маошим коникарли бўлганлигидан хеч бўлмаса еб-ичиш ва кийим билан таъминлай олардим. “Эрим хам тез орада ишга жойлашса, хаммаси изига тушиб кетади”, ўйладим. Аммо орадан шунча ой ўтиб кетдики, эрим халиям уйда кўксини ерга бериб ётарди. Мундок карасам, эрим ишга жойлашиш хакида бош котираётгани хам йўк. Жахл чикмасдан илож йўк. Захримни тотиб кўрган эрим яна иш излашга тушди. Ахволимиз баттар абгорлашиб бораётганилигини эр киши хис килмаса аёл нима хам кила оларди?

Нихоят, кунлардан бир куни хаётимиизга Френк кириб келди. Яримкечага якин ишимни тугатиб, сувга босиб тузланган карамга ўхшаб бўشاшиб кетган танамни зўрга кўтариб уйга келдим. Эрим бўзчининг мокисидек ўёдан буёкка катнаб туриби. Афтидан, мени кутаётган эди. Стулга чўкишим билан у сабрсизланиб ичидагини тўқди.

Айтишича, бугун Френк кўнгирок килибди. Ишлари жойидалигию, жуда семириб кетаётганилигидан ташвишда эканлигиниям кистириб ўтиби. Нак бир юз йигирма килограммни уриб кўйиби! Эримдан ишлари кандай кетаётганилигини кайта-кайта сўрабди. Соддагинам: “Вазним юздан ошди!”, дебди ва семизликдан тунлари уйкуси кочиб, иштахаси хам камлигини кўшиб кўйиби. Френк эса кулибди. Таскин берган бўлибди ва “Иш бор”, дебди, “Канададан Кореяга денгиз кискичбакаси ва унинг ёгини экспорт килиш бизнесини йўлга кўймокчиман”. Эримнинг “Пулим йўк. Мен сенга бизнес шерик

бўйлмасам керак”, деган жавобига:”Хавотирланма: ўзим пул тикаман бу ишга. Сенга жўнатиладиган молни олиб, Кореяда сотишни амалга оширсанг бас. Бу хам шерикчиликка киради, ошна”,дебди.

Эрим гапини тугатиши билан умримда бирон марта кискичбака еб кўрмаганлигим ёдимга келиб:

-Кореяда сотилармикан-а кискичбака ёги?-дедим кўзларимни бир нуктага тикиб.

-Бу нима деганинг? Биз емаслигимиз - бутун Кореядагилар емайди дегани эмаску, - гапимни чўрт кесди эрим. – Бир хафтада хеч бўлмаса бир марта кискичбакали таом ейдиган оиласлар бор. Хар куни ейдиганлар хам топилади.

-Шунчалик мазалими?- дедим кизиксиниб.

Эртаси куни эр-хотин икковлашиб ўгилчамизни етаклаганча кискичбакали таом татиб кўргани гавжум кафелардан бирига бордик. Инсоф билан айтганда, мазали экан. Бирок нархи чўнтағимни андак хафа килди: бир ойлик маошимнинг ярмини тўлаб чикдим. Ўша куннинг ўзидаёқ эрим кискичбакали таом тайёрлайдиган кафелару савдо компанияларидан суриштирувни бошлади. Хар куни Френк билан кўнгироклашаркан, колган ярим маошим халкаро телефон сўзлашувларига кетди.

Орадан бир ой ўтгач у:”Канадага бориб келмасам бўлмайди”га тушиб колди. Оилавий шаротимиз ночорлашиб колганлигини рўйиҳа килган кайтарикларимга карамасдан шахсан бориб кискичбака нархи ва бошка майда-чўйдаларни хал килиш кераклигини тушунтириди. “Бу телефон оркали битадиган иш эмас! Бахонада Френкни кўриб хам келаман. Яна качон учрашамиз у билан?”-дея гапига нукта кўйди.

Энди эримнинг самалёт чиптасини хал килишимиз зарур эди. Охирги сўзлашувларида Френк самалёт чиптасини хал килиб беришга ваъда берган бўлса хам эримнинг гурури йўл кўймади. Хар холда бизнес учун бир тийин кўшмайдиган эримга денгиз кискичбакаси бизнесини очиб бermokchi bўlaётgan одамдан самалёт чиптасигача олиб беришни илтимос килиш тасаввурга сигмайдиган гирт тентаклик бўларди.

Балик ови буюмлари савдоси билан шугулланадиган акамдан карз кўтаришдан бошка иложим колмаганди. Телефон гўшагини кўтарган акам илтимосимни диккат билан эшитгач:

-Охирги пайтларда бозорим ўлган,сингилгинам. Харидор йўк... Хайронман: одамлар балик овлашга кизикмай кўйишган чоги - дея нолиш билан сўз олди. Мен эримнинг бизнес режаси хакида батафсил гапириб бердим ва карзни уч ой ичидаги кайтариб беришга ваъда бердим. Акам кўнишдан бошка чораси колмаганди.

Гўшакни илиб ёнимда турган эримга хушхабарни айтишим билан эрим чапак чалиб юборди:

-Худога шукур, яхши бўлди. Энди Канададан кискичбакани олиб келсак бас.

У мактабга илк кадам кўяётган боладай сабрсизлик билан Канадага бориши тайёргарлигини бошлаб юборганди. Хаётида биринчи марта хорижга бораётган эрим саёҳат китобчаси ва кишилик буюмлари сотиб олди. (Френкнинг айтишича, Канада Кореяга караганда анча совукмиш. Енгил кийимда борса музлаб колиш хеч гапмасмиш.)” Канадада сигарет жуда киммат” деган мишмишни эшитган эрим беш кути Корея сигаретини олишни хам унутмади, хар эҳтимолга карши дори-дармонлардан хам харид килди. Хаттоки аёллар учун крем хам четда колмабди.

-Буни нима киласиз?- сўрадим хайратланиб.

-Ўзим хам билмайман. Тикилинчда олибман...

Хамма нарса тайёр. Канадага самалёт чиптаси буюртма берилса бас. Лекин хисобимизда

бир тийин хам колмабди. Яна акамнинг телефон ракамини теришга түгри келди. Яна ўша нола эшитилди. У одамлар нима учун балик овлашни четга суриб кўйишганлиги сабабини аниклаганини кўшиб кўйди:

-Ақваланѓа сув остига шўнгиш модага кирди!

Шунинг учун дўконида балик ови жихозлари билан бирга сув остида завкланиш учун зарур бўлган буюмларни хам сотмокчилигини, бунака нарсалар ўйлаганидан хам кимматрок эканлигини кистириб ўтди. Эримнинг гапларини тўтикушдек такрорлаб туравердим:

-Канададан кискичбака келса бўлгани – хаммаси яхши бўлади...

Чукур уф тортган акам ёз мавсуми бошлангунга кадар уч ой ичида кайтариб беришни шарт килиб карз беришга рози бўлди.

Хуллас, Канадага чипта буюртма берилиб, тайёргарлик деярли нухоясига етди. Бу вакт ичида эрим инглиз тили сўзлашгич китобини сотиб олди ва зериккан пайтларида уни вараклаб кўярди. Хар эҳтимолга карши инглиз тилини ўрганиб кўйиш зарар килмас. (Ёлгиз кўчага чикканда корейсчалаб гапирмайдику).

Китобни ўғилчамизга бериб кўяр, у эса эримни саволга тутарди:

-“Хурсандман” сўзи кандай айтилади?

-Хау...Хау... Хау...

-Шахар хокимиюти каерда? деб сўрангчи.

-Шахар хокимиюти? У халиги... Хокимиюти? Сал ёрдамлашиб юбор.

-Шахар хокимиюти “Ситихол” бўлади. У ёгини топингчи...

-Ха, “Ситихол”...Тўгри. Бўлди-бўлди, топдим. Шахар хокимиюти “Ситихол” бўлса халиги... анака...

Инглиз тилидан тайёргарлик хар куни шундай давом этарди.

Эрим Канадага учадиган кун хам келди. Мен уни кузатиш учун ишдан кололмасдим.

Шунинг учун эрталаб хайрлашиб, ок йўл тиладиму ишга юурдим. У:

-Аэропортда телефон киламан, - деди ва енгилгина кучди.

Иш топиш кийин бўлган пайтларда кечикиш яхши эмас – савдо марказимизга күшдек учиб келдим. Етиб келишим билан эримдан кўнгирок бўлди:

-Кора кўзойнагимни тополмаяпман. Мабодо ташлаб юбормаганмидинг? –деди эрим ўзини хотиржам тутишга уринётгандек тутиб.

-Кичик папкангизга солиб кўйганман. Яхшилаб кидиринг, - дедим овозимни пасайтириб.

Шу тарзда у аэропортга етиб боргунига кадар етти марта кўнгирок килди. Аэропортдан туриб эса мени икки марта безовта килди. Бир сафар самалёт чиптасини тополмаётганигини айтган бўлса, иккинчисида Френкнинг телефон раками ёзилган блокнотини кидираётганини айтди. Харидорларнинг ёқтирганмандек галати карашларидан минг истихола килиб, телефоним хар жиринглаганда юрагим кинидан чикиб кетгудек бўлаверди.

-Яхшилаб, шохсмасдан каранг. Хаммаси жойида бўлиши керак,- дедим мен кайнаб келаётган зардамни ичимга аранг ютиб.

Нихоят самалёт чиптаси у кириб чиккан хожатхонадан чикди. Блокнот эса топилмади.

-Хечкиси йўқ. Френк аэропортга кутиб олгани чикаман деган... - деди эрим сал хотиржам тортиб. – Хар эҳтимолга карши Френкнинг ракамини уйдаги дафтаримга хам ёзиб кўйганман. Тополмасам, Торонтога боргач сенга телефон килиб кўчириб оларман. Хавотирланма!

Мен эса гўшакни кўйгач, эрим Канадага бориб кискичбака ёгини олиб келишига

ишонкирамай карай бошладим...

Унинг кейинги кўнгироги чогида мен ширин тушлар огушида эдим. Саноксиз кискичбакалар мен томонга сузаб келяпти. Бирдан улар ёгга айланди. Хурсандлигимдан чапак чалиб юборибман. Кискичбака ёги орасидан телефон жиринглаши эшитилди. Кўзимни очдиму телефон овози тушимда эшитилдими ёки ўнгимдами бироз карахт ётдим. Бош тарафимдаги телефон асабий жирингларди. Аста ёнбошимдаги соатга карадим: тонгги тўрт. Эрим чиккан самалёт осмону фалакка кўтарилганига роппа-роса ўн етти соат бўлганди.

Гўшакни олишим биланок шовкин-сурон орасидан эримнинг талмовсираган овози эшитилди:

-Азизам, Канадага кўнганимга уч соат бўлди. Хозир аэропортдан телефон киляпман.

Френк билан хали кўришмадим, - деди иккиланибгина.

-Ие,бу нимаси?-дедим хайратимни яшиrolмай.

-Ўзим хам хайронман. Тезда уйдаги телефон дафтаридан Френкнинг телефон ракамини айтиб юбор,- деди эрим ютокиб. Уйкум хали тўлик очилмай туртиниб-суртиниб телефон дафтарини ахтара бошладим. Охири топдим ва синчиклаб карадим:Ф-р-э-н-к...

Ракамларни адаштириб юбормаслик учун доналаб айтдим.

-Бўлди,рахмат,- деди эрим салгина хотиржам тортиб.-Уйкунгни бузганим учун узр,азизам.

Аммо мен бамайлихотир ухлай олмадим. Ўёкка аганаб,буёкка аганаб тонг оттиридим...

Эрталаб ишга келдиму сотувчилар тахтасига киришим билан кўл телефоним мусикаси янгради. Табиийки, эрим эди.

-Френк билан учрашдингизми?-биринчи саволим шу бўлди.

-Йўк... Бир неча марта кўнгирок килишимга карамай гўшакни хеч ким олмади. Бирор гап бўлганга ўхшайди, - деди у астойдил хавотирланиб. – Балки у уйимизга телефон килиб колар. Мени аэропортнинг 13-чикиш йўлакчасида кутиб турганлигимни айтиб кўй.

Сухбатимиз шу билан тугади. Ўйлаб карасам, Френк менинг кўл телефон ракамимни билмасди. Демак, у уй телефонимизга кўнгирок килиши керак. Турфа хаёлларга берилиб кетибман. Сотувчи ходим хаёлинни бир жойга жамлаб ишламаса кийин экан: бир харидорнинг майдалаб кесилган баликларини пакетга солиб берарканман кўлимдан тушириб юбордим. Кунбўйи пештахта олдидан балик хиди анкиб турди:утган-кетган бурнини жийириб ўтиши хаммасидан ошиб тушди. Иш тугаши билан ўглимни мактабдан олдиму уйга учдим. Буни карангки, уйга кириб келишим билан телефон жиринглади. Нотаниш эркак овоз берди. У ўзини Френк деб таништириди. Мен аввалига бу киши Френк эканлигига ишонолмадим. Чунки эрим таърифлаган Френкни бунака довдираб, худди пашшадек гўнгиллаб гапиради деб ўйламасдим. У эрим келадиган кунни адаштириб юборганлигини айтди ва уни тополмаганлигини чайналиб кистириб ўтди.

-У сизни Торонто аэропортининг 13-чикиш йўлакчасида анчадан бери кутиб ўтирибди,-дедим мен. У узр сўради ва вакт топиб Канадага меҳмонга боришимни сўради. Гўшакни кўярканман, хавотирим камайиш ўрнига баттар авж ола бошлади.

Шундан сўнг эрим билан мулокотни роппа-роса бир хафта кутишимга тўгри келди. Шу вакт давомида эрим Френк билан учрашганлигию, кискичбака ёги бизнеси режаси кандай кетаётганлигига хам кизикиш,хам хавотир билан караган бўлсан-да, ўта кимматга тушадиган телефон алокази туфайли Канадага телефон килишга журъат этолмадим. Хаммаси жойида бўлса керак,дея ўзимни овутаману, бошка томондан ичимни хавотир ёмиради. Дам олиш кунини минг бир хаёлда ўтказдим. Охири сабрим чидамай душанба

эрталаб Френкка телефон килдим. Узундан узун гудок кетар, аммо хеч ким гўшакни кўтартмасди. А, энди тушундим. Мен Корея ва Канада ўртасидаги вакт фаркини хисобга олмабманку. Бир неча соатдан сўнг яна телефонни кўлимга олдим. Сабрим косасидан тошишига бир томчи колганида гўшакни кимдир кўтарди ва уйкусираган холатда:

-Хел... Хелоо...,-деди.

Мен эримни дарров танидим.

-Нимага хабар бермайсиз?-дедим салом-аликсиз газабимни сочиб.

У телефондан корейс тилидаги гапни эшитиб енгил нафас олганлигини сездим:

-Мени кечир,азизам. Ўша куни Френк билан учрашиб, унинг уйига жойлашдим. Узок йиллик айрилик чигилини ёзиш учун тунги клубга бордик ва икки кун бурнимиздан чиккунча ичдик, - деди у айб иш килиб кўйиб,дакки эшитишдан кўрккан болакайдек ўзини оклаб. – Кейинги куни эса икковлашиб балик овига бордик. Энди эртага кискичбака ёги бўйича гаплашамиз. Лекин бир муаммо пайдо бўлиб колди,азизам.

-Кандай муаммо?-юрагим кинидан чикиб кетишига бир баҳя колди.

-Консуелланинг жуда жахли чикди,-деди эрим овозини пасайтириб.

-Консуеллангиз ким?

-Консуелла Френкнинг хотини. Аникрок айтганда, хотини эмас. Никохдан ўтишмаган,холос. Нима бўлганда хам Френк билан бирга яшайди. Френк шу кунларда мен билан бўлиб унга кам эътибор бўлиб колганлигидан газабда,чоги. Балик овига хам уни бехабар колдириб кетгандик.

-У киз корейсми?

-Йўқ. Мексикалик,-деди у пицирлаб ва кўшиб кўйди – Лекин унинг хам вазни юз килограммдан ошаркан.

Бир зум семиз икки эркак ва аёлнинг диванга ўтирганча телевизор кўришларини кўз ўнгимга келтирдим. Жуда кизик...

-Хўш,муаммо нимада?

-Френк менга индамаса хам нигохларидан шуни сездим. Мен Френкнида турганлигим Консуеллага ёкмаётганга ўхшайди. Биласанку, бу ерда хаёт умуман бошкача.Шунга... эрта-индин бирорта бир меҳмонхонага кўчиб ўтсаммикин, - эримнинг сўнгги гаплари кулогимга кирмади.

-Ахир пул йўкку... - дедим нима дейишни билмасдан.

-Хавотирланма. Энг арzon жой топаман. Албатта Френк меҳмонхона хакини тўлаб берадикуя, лекин хадеб Френкка юклайвериш хам нокулай.

Пул сўзини эшитиб пешонамдан тер чикиб кетди:

-Канчага чўзилади сафарингиз?

-Иложи борича тезлаштираман. Хаммаси яхши бўлади,-деди у гапини тамомлаб. Охирида кўпол талаффузда “Гуд найт,ханей”,деб кўшиб кўйди. Торонтода соат неча эканки, менга хайрли тун тилаяпти. Мени хамон пул вахимаси осмондаги кора булатдек босиб келарди.

Эртаси куни савдо марказимиз ташкил этилганига беш йил тўлиши муносабати билан арzon нарх аксиясини ўтказишни бошладик. Бундай пайтларда уй бекалари узундан узун навбатни тузиб кўйишади. Бу дегани иш вактим яна икки соатга чўзилишини англатарди. Иш тугаши билан хориб-чарчаб ерга ўтириб коладиган холга келардим. Хаттоки, уйга кайтиб кийимларимни алмаштиришга улгурмасданок диванга бир зум тин олиш учун ўтириб, шу бўйи ухлаб колган чогларим кўпайди. Шундай кунларда тонг махали кўнгирок бўлди. У салом-алиқдан сўнг кувнок охангда:

-Хозир меҳмонхонада турибман. Кеча кискичбака ёги нархини суриштириб кўрдик. Жуда арzon экан, азизам. Агар режамиз амалга ошса иккаламиз хисоблаб чиккандан хам кўпроқ фойда коларкан, -деди ва бирдан маъюс холатда – Лекин меҳмонхона сал кимматрок экан. Шунга озрок пул жўната олармикинсан-а?!

-Озрингиз канча? – дедим сабрим чидамай.

-Хозирча етти юз доллар етади!

-Тушундим.

Гўшакни илдиму яна уйкуга кетдим ва буни карангки эримнинг илтимосини буткул ёдимдан чикарибман. Савдо марказимиз ёнидаги банкда одамлар гавжумлигини кўриб эсимга тушди. Етти юз доллар бизнинг пулимизда канча бўлишини хаёлимда тахминан хисоблаб чикдим. Войбў... Ахир бу менинг бир ойлик маошимга teng эканку. Наилож яна акамга бosh эгиб боришига тўгри келди...

Ўша куни тушдан сўнг Канадага пул жўнатдим. Канчалик ичим зил кетса хам ишкилиб охири бахайр бўлишидан умидвор эдим. Шундан сўнг бир хафта давомида эримдан хабар бўлмади. Мени эрим пулни олдими-йўкми, кискичбака ёги качон Кореяга етиб келади каби саволлар кийнаса хам Канадага телефон килишга ботинолмасдим. Кўнгирок килсам худдики ёмон хабар эшитадигандек кўркувга тушардим.

Арzon нарх мавсуми тугашидан бир неч кун аввал эримдан хабар келди. Овозида аввалги кувноклигидан асар хам колмаган.

-Ишлар бироз кечикадиганга ўхшаяпти.

-Нима бўлди?-хайратимни яширолмадим.

-Френкнинг муаммолари чикиб колди.

-Канака муаммо?

-Икки кун аввал Консуелла уйдан чикиб кетди.

-Нега?

-Маълум бўлишича, Консуелла бошка йигит билан дон олишиб юаркан. У йигит Чилидан келган иммигрант бўлиб, кайсиdir колледжа футбол мураббийи экан.

-Чили? Харитадаги майдони ингичка узун давлатданми?

-Ха-да. Улар бир йилдан бўён яширинча учрашиб юришаркан. Френк гафлатда колибди.

-Хўш энди нима бўлади?-сўрадим йигламоқдан бери бўлиб.

-Кеча икковлон Френкнинг кискичбака ёги олишга йиккан пуллари ва машинасини олиб Ванкуверга кочишибди.

-Нимага...-дедим кўзёшларим кўзларимга куйилиб.

-Бугун эрталаб Френк ижарага машина олиб Консуеллани тутгани чикиб кетди.

-Ванкувергами?

-Ха. Шунинг учун Френк келгунига кадар унинг магазинига кўз-кулок бўлиб турарканман. Хавотирланма, Френк улар каерга кетишганлигини тахминан биларкан.

“Бироз кут”миш. Ё худо, энди нима бўлади. Бундай холатда кандай хотиржам бўлишим мумкин. Оёкларим танамни кўтаришга кучи етмагандек холсизланиб ерга ўтириб колдим.

Хаёлимда “Консуелла...Френк... Чили... Ванкувер... Футбол мураббийи... Кискичбака ёги...” каби фикрлар чарх уриб айланарди. Ўша куни тушимга яна кискичбака кирибди. Лекин бир кўриндию кўлларим билан тутаман деганимда денгиз тубига гарк бўлиб кетди.

Орадан бир нечка кун ўтиб эрим яна пулга эҳтиёж сезиб колди. Иложсизликдан тез кунларда кайтариб бериш шарти билан хамкасларимдан минг доллар (доллар ва вон курсига ўрганиб колдим) карз кўтариб, Канадага жўнатдим. Хар сафар карз сўраганимда жоним бўғзимга тикилиб колар, карзни кайтаришни ўйласам, яна юрагим зил кетарди. Бу орада Френк Ванкувердан курук кўл билан кайтиби: Консуелладан хам, чилилик футбол мураббийидан хам ном-нишон йўкмиш. Аммо Френк эримни хотиржам килибди: “Хечкиси йўқ. Кайтадан пул йигиб, албатта бизнесимизни бошлаймиз. Доллар курси тушиб, кискичбака нархи хам гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турибди. Сал кейинрок сотиб олганимиз маъкул”, дебди. Кўнгилни сал хотиржам киладигани шуки, Консуелла Френкни ташлаб кетгач эримнинг меҳмонхонада яшашига хожат колмади – Френкнига кўчиб ўтди. “Ёнида туришим руҳий далда бўлади”, деди эрим. Аммо Френк бўлиб ўтган кўнгилсизликдан ўзига келолмай хар куни тунги клубга бориб ичиб келадиган одат чикарибди. Табиийки, эрим

хам унга хамроҳлик килади. Мен хар сафар “Тезрок ишни битказиш харакатини килинг,” дея зорланардим. Иш мен ўйлагандан хам чигаллашиб кетди. Френк тунги клубда мастиликда бир коратанли йигит билан жанжаллашиб колиб, эримнинг айтишича, ракибини “ерга михдек кокиб кўйибди”. Харбий хизматни десант бўлимида ўтамаганим - кора танлини кимирлай олмайдиган холатга келтирибди. Ўша жойнинг ўзида Френк полицияга, коратанли эса касалхонага йўл олишибди. Жарима тўлаб полицияда кутулган бўлса хам муаммо бу билан тугаб колмади. Френкдан таъзирини еган коратанли Лос-Анжелесдан келган бўлиб, гиёхванд моддалар савдоси билан шугулланадиган тўдага карашли одам экан. Бу воеани эшитиб тўдабоши газаб отига минибди ва Ъъгунохкоръъни топиб жазосини бериш учун югурдакларини Торонтога юборибди. Улар шахарни остин-устун килиб юборибди. Френк эса кискичбака хакида ўйлайдиган холатда эмасди.

-Кечир, азизам. Мен хам бундай бўлишини кутмагандим. Балки Френкни бир дақикага бўлса-да ёлгиз колдирмаганимда бундай бўлмасми. Хожатхонага бориб келгунимга кадар Френк коратанлини чилпарчин килиб ташлабди, -деди эрим ва мени хотиржам килиш учун гап ўйлаб топди.- Хечам хавотир олма. Улар тез орада кайтиб кетишади. Тополмагач, аник кайтиб кетишади. Бу ер Лос-Анжелесга караганда анча совук. Биласанку, коратанлилар совукка бардошсиз бўлишади. Якинда об-хаво маълумотини кўргандим: хафта охирига бориб хаво жуда совуркан.

Мен коратанлилар совукка чидамли ёки йўклиги хакида ўйлайдиган ахволда эмасдим. Улар тезрок Лос-Анжелесга кайтиб кетишларини сўраб дуо килишдан бошка иложим йўк эди. Асабларим чарчаган, ишда хам, уйда хам чехрамни оча олмасдим. Хатто бир сафар харидор билан гап талашишгacha бордим. Хамма менинг ўзгариб колганимдан хайрон. Юзимни кўлларим билан бекитиб, хожатхонага кирдим ва эшикни ичкаридан ёпиб олиб юм-юм йигладим. Кискичбака уйимиздаги баҳтни аста-секин парчалаб чайнаб ташлаётгандек туюлди.

Бу орада мен Канадага минг доллардан икки марта жўнатишга улгурдим. Кора танли карокчилилар эса халиям Торонтода оч бўридек изгиб юришарди. Дард устига чипкон деганларидек уларни сафига яна биттаси кўшилибди:

-Азизам, ишлар пачава...,- деб колди эрим одатий кўнгирикларнинг бирида.

-Ха, нима бўлди?-мен совук хабарларга ўрганиб колгандим. Шунинг учун бу гапни бефарк кабул килдим.

-Лос-Анжелесдан Френк келди!

-Френк келди? Торонтода эмасмиди Френк?-хайратландим.

-Ааа... Бу Френкни айтаётганим йўқ. Тўдабоши Френк.

-Тўдабоши Френк?

-Бизни излаётган карокчиларнинг бошлиги исми Френк экан. У бизнинг Френк калтаклаган коратанлининг тогаси экан.

Френк...Тога... Мен хеч нарсага тушунолмадим.

-Хўш, у нега келибди?

-Нега келарди касос олгани келган-да. У Лос-Анжелесда шафкатсизлиги билан ном чикарган экан. Федерал полиция кора рўйхатида тураркан. Бир сафар колумбиялик харидори гиёхванд хакини тўламасдан кочган экан, Боливиягача кувиб боришибди. Топиб жуда хунук холатда ўлдиришибди.

Ё Худойим,ўзинг асра... Канада ва Кореяни китъалар ажратиб турибди. Бир китъа наридаги эрининг бунака гапларидан кайси корейс аёли (нафакат корейс, бутун дунёдаги аёллар) кандай хотиржам бўла оларди.

-Энди нима киласиз?-дедим яна йигламсираб.

-Нима киласиз,дейишини бунинг...-деди эрим энсаси котиб.- Хозир Френк иккимиз уйдан бир кадам нарига чикмасдан, мум тишлаб ўтирибмиз. Овкатни хам уйимизга келтириб берадиган кафега буюртма беряпмиз. Кеча Френк уйнинг хамма томонига кулф илиб чиқди. Ўша тўдабоши Френк Лос-Анжелесда кореялик тўда билан ўчакишиб колган экан. Корейслар уни итдек хорлабди. Шунинг учун у корейсларни жини сўймас экан. Нима бўлганда хам Френк бошка шахарга яшириниши лозимга ўхшайди.

Мени баттар вахима босди. Калламда минг хил хаёл лабиринтга кириб адашиб колгандак чарх уриб айланарди.

-Кискичбакасиям керакмас, тезда чипта олингу Кореяга кайтинг,-дея зорландим.

-Хозирок кайтардиму Френкни бундай кийин ахволда ташлаб кетишга гурурим йўл кўймайди,-деди эрим жахл козонимга ўт калаб.

-Гурурми-бошками фарки йўқ. Бошка жўнатадиган пулим хам йўқ. Ё Кореяга кайтинг, ёки ўша ёклардаги карокчиларнинг ўкига учиб ўлинг,-дедим зардам кайнаб ва карсиллатиб гўшакни кўйдим.

Тушимга яна кискичбакалар кирди. Бу сафар катталиги одамдек келармиш. Негадир улар кора тусга кирганди. Мен томонга йирткич жонивордек бостириб кела бошлади . Хатто кўркувга соладиган даражада увиллаб кўйди. Мен коча бошладим, аммо оёкларим ўзимга бўйсунмас, кискичбакалар эса мени таъкиб этарди. Нафасим кисилиб,кора терга ботиб уйгониб кетдим.

Эримнинг Канададаги саргузаштлари поёнига етай демасди. Тўдабоши Френк бошлигидаги карокчилар бизнинг Френкни топиш учун хали хамон Торонто кўчаларида тентирарди. Эрим ва Френк бу орада бир меҳмонхонага яширинишди. Улар асли келиб чикиши кореялик бўлган ходим оркали янгиликлардан вокиф бўлиб туришди. Бир куни Френк тонг коронгусида меҳмонхонадан чикиб, Оттавадаги дўстининг уйига кочибди. Френк хавфсиз жойда бўлса-да, Торонтода колган эрим Френк каби семиз ва кўзлари кисик бўлгани учун bemalol ташкарига чиколмасди. Мен иктисадий томондан кийналаётган бир пайтда эрим Торонтода Френкнинг уйида яшириниб “вакт ўлдириш”

билан банд эди. Биз түдабоши Френкнинг кўнгли юмшаб, Лос-Анжелесга кетишини тилар, шундагина дўстининг уйида пусиб ётган бизнинг Френк Торонтога кайтар ва кискичбака бизнесини бошларди.

Нихоят ёруг хабар эшитадиган куним хам етиб келди. Ишончли меҳмонхона хизматчиси эримга түдабоши Френк касосдан воз кечиб, ортга кайтаётганлигини етказиби. Бу хабардан сўнг бир неча кун эримдан дарак бўлмади. Мен: “Балки кискичбака нарх-навосини суриштириб банд бўлса керак”, дея ўзимни овутдим. Лекин бу хотиржамлигимни эримнинг гаплари чил-чил синдириди:

-Тўдабоши Френк халиям Торонтода!

Эримнинг хуфияси келтирган хабарига кўра, тўдабоши меҳмонхонада оддий оғитсиант бўлиб ишлайдиган асли швейцариялик гўзал Эйприлнинг нигохига асир бўлиб колибди. У югурдакларини Лос-Анжелесга жўнатиб юборибдию, ўзи Европани эслатиб юборадиган Канадада номаълум муддат коладиган бўлибди. Шафкатсиз тўдабоши хамма нарсанни йигиштириб, ўзи билмаган холда яхши томонга ўзгара бошлабди. Бизнинг умидимиз энди Эйприлдан эди - у Лос-Анжелесда яшашни хоҳлаши керак эди. Дўстиникига яширинган бизнинг Френкни унугиб хам юборибман. Тўдабоши Френк... Бизнинг Френк...

Буёгига хам тўдабоши Френк ва Эйприл хакида озгина сўзлаб берсам.

Эримнинг хуфияси айтишича, Эйприл ота-онаси билан яшаркан ва табиийки, Эйприлнинг Лос-Анжелесга кетиши учун уларнинг розилигини олиш талаб этиларди. Отаси узок Европалик миллатчиларга кариндош шекиллик, кизининг коратанли йигит билан ахд-паймон килишганлигидан газабланибди. Лекин уддабурон тўдабоши бу муаммони хамирдан кил сугургандек хал килибди: Эйприлнинг онасига кимматбахо соат, отасига эса Япониядан келтирилган голф ўйини буюмларини совга килибди. Миллатчи отанинг хам кўнглидаги музлар эрий бошлабди. Тўдабоши нархи олтмиш минг долларлик Кадиллак автомобилини совга килган куни дастурхон устида:

-Коратанлилар одам эмас. Улар хайвондан фарки бўлмайди. Мен коратанлиларни ёмон кўраман. Лекин Френк бундан мустасно. Френк коратанли эмас. Унинг ташки киёфаси кора, холос. Ичи оппок. Шундай экан кизимнинг у билан баҳтли бўлишига ишонаман!-деб сўнгги карорини айтиби.

Бизнинг умидларимиз аста куртак чикара бошлаган ва Френк Оттавадан кайтишга тайёргарлик кўраётган бир пайтда яна “ковун тушди”: кимдир Эйприл ва тўдабоши Френкнинг марихуана чекаётганлигини кўриб колибди. Буни эшитган кизнинг ота-онаси Френкнинг “ичи ок”лигига шубха билан карай бошлабди. Ўлганни устига тепгандек, миллатчи отага совга килинган Кадиллак ўгирланган машина экан. Полицияда сўрокка тутилган ота яна газаб отига минибди. Кучли бўронга дуч келгандек умидларимиз пучга чика бошлади.

Эрим Канадага кетганлигига уч ой тўлаётганди. Кийин ахволда юрган кунларимнинг бирида акам телефон килиб колди. У одатдагидек гапларини узундан узун нолиш билан бошлади. Дўкони учун янги маҳсулотлар олиб келиши лозимлигини айтаркан, менга берган карзини кайтаришимга ишора килди.

-Кечиринг, ака. Хозир качон кайтара олишимни айтишим кийин, -дедим лабимни тишлаб.

-Нега ахир? Нега?-бирдан акам асабий бакириб юборди.-Уч ой ичидаги кайтараман дегандингку.

-Ха, шундай дегандим. Лекин... Ишларимиз пачава...

-Нима бўлди? Нарсалар хали хам етиб келмадими?

-Келмади... Френк халиям Торонтода экан. У Лос-Анжелесга кайтиб кетса бўлди-эди...

-Френк? Френк ким ўзи?-акам мени алахсираяпти деб ўйлади.

-Френкми? Ё Худойим, хаммасини бошидан гапириб беришим керак...

Шундан кейин икки ой ўтиб эрим кайтиб келди. Иссик ва дим хавода терлатиб кийим баданга ёпишиб коладиган ёз хам кириб келган эди. Мен кутиб олиш учун тонг сахардан машинамда аэропортга караб йўл олдим. Канададалигида эрим нак ўттиз килограммга озиб, бир карашда таниб бўлмас киёфага кирганди. Уни узокдан кўрдиму йиглаб юборай дедим. У хам айни менинг холатимда эди. Кўзлари киртайиб, жуда чарчаганлиги билиниб турарди. Йўлда келарканмиз, кўзларини юмиб ўйга толганча ўтирас, дамба-дам чўчиб атрофга алангларди.

Уйга етиб келгач, у ювениб хам ўтирмасдан ўзини диванга отдию уйкуга кетди. Лекин икки соат хам ухламасданок ўрнидан турди ва узун коридорли хонамизга чикди. Энди эсига келгандек:

-Ўглим каерда?-деб сўради.

-Тўгаракка ташлаб келдим.

Хеч нарсага тушунмагандек меровланиб бир зум ўйга толди. Ванна кабул килиб чиккач, семирмасдан аввалги даврларидаги кийимарини кийди. Хайриятки, мос тушди. Ойнага караб ўзини томоша килди ва яна атрофга кўркандек аланглаб кўйди. Шундан сўнг кўксимга бошини кўйиб, ёш бола каби юм-юм йиглай бошлади. Мен нима килишимни билмасдан унинг ок аралашган соchlарини силадим. У ўзини босолмасдан силкиниб йигларкан тинмасдан узук-юлук товушда кечирим сўрарди. Беихтиёр менинг хам кўзларимга ёш шашкатор бўлди. У Канадага кетишидан олдин менга айтган гаплари оғзимдан чикиб кетди:

-Хавотирланманг. Хаммаси яхши бўлади!

Кореяга кайтиб келганидан икки ой ўтибгина эрим электр печкаси чикарадиган заводга ишга жойлашишга муваффак бўлди. Иш топиш айни мушкул бўлган кунлар эди. Айни киш чилласида узок танаффусдан кейин Френкдан кўнгирок бўлди. У Оттавада янги магазин очиби ва ўша томонга кўчиб ўтиби. Кошиб кетган Консуеллани бутунлай унутиби ва хаттоки янги маҳбуба топишга хам улгурибди. Янги севгилиси бразилиялик бўлиб, у хам юз килограм тош босаркан. Айтишича, Консуеллага караганда семизрок бўлса хам, хар холда ундан кўра ёшрок ва гўзалрок экан. Шунингдек, исмдоши тўдабоши Френк хам Лос-Анжелесга караб равона бўлибди.

-Охири нима билан тугади?-сўради эрим кизикиб.

-Бир куни Эйприлнинг ота-онасини ўлик холда топишибди ва бечора киз йиглай-йиглай тўдабошининг ортидан кетди,-деди Френк ва кўшиб кўйди.-Хамма муаммоларим хал бўлди. Энди денгиз кискичбакаси бизнесини бошласак бўлади. Качон келасан Канадага?

-Рахмат, ошна. Хозир ишларим кўпайиб, бош кашишга хам вактим йўк,-дэя эрим нозиккина рад этди.

Френк бир зум жим колди ва:

-Тушундим. Вакting бўлганда, хотининг билан албатта меҳмонга кел,-деди.

Канададан келганидан буён эримда анчагина ўзгаришларни кўрдим. Доим хазиллашиб, кулиб турадиган юзига хаёт ташвишлари соя солгандек. Вакт ўтиб борарди.

Биз нихоят акамдан олган карзимииздан хам кутулдик. У доимгидек нолишни бошлади:

-Ишларим оркага кетган. Нарсалар сотилмаяпти. Одамлар нималарга кизикишларини суриштириб юрибман.

Мен супермаркетда ишимни давом эттирдим. Тўхтовсиз югурадиган футболчи каби

ишлар, боламга карашга хам вактим бўлмасди. Якинда эрим маоши баланд компанияга ишга кирди ва буни нишонлаш учун оилавий тўпланиб, денгиз кискичбакасидан таом тайёрлайдиган кафега бордик. Хануз одамлар гавжум, атрофда бундай кафелар кўпая бошлаганлигини энди илгадим. Биз овкатланарканмиз, тўдабоши Френкни эсладик. Нима бўлганда хам Эйприл билан баҳтли хаёт кечиришсин. Бразилиялик киз эса ўзимизнинг Френкни ташлаб кетмаслигини тиладик. Юзимизга сал табассум кўнгандек бўлди.
Френк, Торонто, Ванкувер, Консуелла, Чилилик футбол мураббийи,
Боливия, Колумбия, Эйприл, Кадиллак машинаси... Баъзилари бизни ранжитган,
баъзилари эса юрагимизга умид берган бу номларни эсларканмиз каттик кулиб юбордик.
Атрофдаги хўррандалар бизга хайратланиб тикилишса хам биз ўзимизни кулгудан тўхтатолмасдик.

Корейс тилидан Отабек Йўлдошев таржимаси